



**“ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЛАБА-ЁШЛАР  
МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ”  
мавзuidaги Республика илмий-амалий  
конференцияси материаллари**



**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЛАБА-ЁШЛАР  
МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ”**

**мавзудаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари**

**Тошкент, Тошкент кимё-технология институти  
2018 йил 11 октябрь**

маданиятига умид боғлаган. Ўта тартиблаган индустриал жамият шароитида эзилган Европа маданиятининг олий қадрияти сифатидаги шахс келажакдаги инсонга йўналтирилган ахборот жамиятида ўзининг адекват ривожини топиши керак эди. 1960 йилларнинг бошлари 80-йиллардаги мазкур футуристтик лойиҳалар технологияларга ижтимоий ва маданий ривожланишнинг базавий сабаблари сифатида қараган технократик тасаввурларга таянган эди. Айни янги ахборот технологиялари дунёни ўзгартириши ва инсонпарлаштириши керак эди: ахборотлашган жамиятда инсон «ўзини топади», зеро меҳнат характери ўзгаради (ахборо фаолияти устувор бўла бошлайди ва у асосан интеллектуал-креатив хусусият касб этади), энг янги алоқа тизимлари эвазига индивидуал мулоқотдаги барча тўсиқлар бартараф этилади, одам сиёсий жараёнларга (электрон овоз бериш тизимлари ҳисобига) бевосита таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлади. М. Маклюэннинг инсонлараро мулоқот бевосита характерга эга бўладиган «глобал жаҳон кишлоғи» ҳақида гапира бошлагани беҳуда эмас.

Бироқ унчалар ҳам кўп вақт ўтмай, инсон шахсий салоҳияти, қобилиятлари ва ижодий ривожини учун шароит яратадиган «инкубатор» сифатидаги ахборотлашган жамият ҳақидаги хомҳаёллар пучга чиқди. Амалда интернет маконнинг, «иккинчи», ахборот иқтисодиётининг ривожланиши, ўқитишнинг электрон шакллариининг ишлатилиши ва шу қабилар асло инсоннинг эркинлигини, фойлатининг интеллектуаллашувини ва шахсий сифат ва қобилиятларининг ривожини кафолатлай олмаслиги маълум бўлди.

Буларнинг барчасидан келиб чиқадиغان ҳулоса шу бўлмоқдаки, замонавий интеллектуал маконда навбатдаги фантом-арвоҳ кезиб юрибди, у ҳам бўлса — бир дарсликдан иккинчисига кўчиб юрган гуманистик йўналтирилган ахборотлашган жамият концепцияси. Бизнинг фикримизча, инсон ва шахс ривожланиши учун янги виртуал муҳит тақдим этаётган имкониятлар ҳамда чекловларни аниқлаш зарур.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ

*Қандов Б.М. – ТИҚХММИ катта ўқитувчиси*

Глобаллашув ижтимоий жараёнларнинг глобал ва маҳаллий ўлчовдаги мураккаб ўзаро ҳаракат ва ўзаро таъсиридир. Бир маъноли жараён бўлмаган ҳолда, глобаллашув можаро, тарқоқлик, тенгсизликни янги шакллариини муҳудга келтира олади, улар шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳам ривожланиши, ҳам деградацияси (барбод) бўлиши омилларидир. Бизнинг фикримизча, айнан таълим институти шахсга глобаллашув жараёнларининг салбий таъсирини нейтраллаштириши ҳамда шахс ривожиди универсаллашиш ш индивидуаллашиш жараёнларининг тасодифан шаклланаётган муносиблигини тўғрилай олади. Бу кун тадқиқотларида мустақиллик шароитида миллий ўзликни англашда сиёсий онг ва маънавий ўзликни англашнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги парадигмасини таҳлил

килинмоқда. Кундалик ҳаётда глобаллашув асосан умуминсоний аҳамиятга эга муаммоларни ўз таркибига қамраб олади.

Файласуф олим А.Очилдиев қуйидагича ёзади: “...энг умумий маънода глобаллашув, бир томондан, муайян ходиса, жараённинг барча минтақалар, давлатлар ва бутун Ер юзини қамраб олганини, иккинчи томондан, уларнинг инсоният тақдирига дахлдор эканлигини англатади”<sup>9</sup>. Олим тўғри таъкидлаганидек, глобаллашув жараёни шиддат билан кечаётган ҳозирги даврда Ўзбекистон мустақил, очиқ ва демократик тамойиллар асосида ривожланаётган давлатларнинг бири сифатида ушбу воқелик таъсиридан четда қола олмайди. Бу муҳит кенг имкониятлар очгани билан бир қаторда, ҳар бир миллат, мамлакат олдига ўзига хос муаммо, миллийликни, яъни миллий маънавият, маданият, ахлоқ ва кадриятларни сақлаб қолиш масалаларини қўймоқда. Биз маданият деганда, урф-одатларимиз ва маросимларимизнигина тушунишга қўниқиб қолганмиз. Ахир, бизни асл ўзбек қилиб турган нарсалар, тарихимиз, кадриятларимиз, динимиз, ахлокимиз, ўзимизга хос андишамиз, оримиз, биздаги ҳурмат ҳисси, меҳмондўстлигимиздир. Уларни йўқотиш бу ўзлигимизни йўқотиш демакдир. Дарҳақиқат, биз инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва кадриятлари инobatга олинган, демократик бошқариладиган ҳамда ҳамма учун адолатли, бир хил имкониятларни очувчи глобаллашув жараёнига ўтиш сари ҳаракат қилаяпмиз. Бу жараёни тушуниш барчамиз учун муҳим манфаатли масалалардан ҳисобланади.

Глобаллашув даврида шаклланаётган жамиятни аксарият ҳолларда ахборот ва постиндустриал деб номлашади. Бу маънода ахборот фаолияти инсонни дунё, нарсалар, бошқа инсонлар билан ўзаро ҳаракатнинг муайян услуби сифатида намоён бўлади, хаттоки бу услубларнинг комбинациясидир, у инсон қобилияти, билимлари, маҳоратида қайд этилгандир. Фаолиятнинг айнан шу режаси ҳам ишлаб чиқариш даражасида, ҳам истеъмол даражасида, ҳам одамлар ўртасидаги ўзаро ҳаракат ҳам инсонни нарсалар билан муносабатида сифатли акс этишини таъминлаб беради. Ижтимоий сифатнинг соҳиби, ифодаловчиси ва ижодкори нарсалар, аноним тузилмалар бўлмайди, бу инсонларнинг ўзидир ва улар айнан субъект сифатида ҳаракат қилганилик даражасида соҳиб, ифодаловчи ва ижодкор бўладилар. Шунинг учун ахборот жамиятидаги инсон мақоми тўпланган моддий бойликларнинг сони миқёси билан эмас, балки замонaviй юқори технологиялар билан боғлиқ бўлган маданият, таълим ҳамда фаолият юритишга бўлган қобилият даражаси билан боғлиқдир. Шунинг учун “агарда, давлат ва миллатларнинг ривожидида дастлаб табиий ресурс ва молия асосий ролни ўйнаган бўлса, ҳозирги пайтда биринчи ўринга инсон ресурслари (“инсон капитали”) ривожланиш шартлари биринчи ўринда”. Тарихий саҳнанинг олд ўрнига таълимнинг, тарбия ва маҳоратнинг барча йўналишларида юқори даражасини ҳамда билимларни ва ностандарт ечимларни излашга бўлган тайёргарликни таъминлашга қобилиятли бўлган мамлакат ва халқлар чикмоқда.

<sup>9</sup> Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Т.: “Мухаррир нашриёти”, 2009. 64-б.

Ахборот ва билимларга асосланган жамиятнинг шаклланиши олий мактаб олдида ҳам янги вазифаларни қўймоқда. Янги глобал тенденциялар ўз ортидан ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларни олиб келади. Умуман олганда, салбий оқибатлар ижтимоий тенгсизликнинг янги шакллари пайдо бўлиши, шахснинг ижтимоийлашув ва индивидуаллашувининг зиддиятли тенденциялари, ҳамда инсон маънавий дунёсини инкирози билан боғлиқдир.

Бир томондан ижтимоий алоқаларни жумладан, маданиятлараро характердаги алоқалар сонини кўпайиши инсондан жамият ва маданият ҳақидаги чуқурлашган дифференцияланган билимни талаб қилади. Шунинг учун шахс ва билимларни асосий транслятори сифатида намоён бўлувчи фуқаро жамиятини ривожда олий мактабнинг роли мисли кўринмас даражада ошмоқда. Ижтимоий гуманитар таълим ишлаб чиқариш ва билимларни қўллаш боғлиқ бўлган интеллектуал салоҳиятни шакллантириш учун ҳамда алоҳида инсонларнинг билим ва кўникмаларини мукаммаллаштириш учун зарур бўлган узлуксиз таълим амалиёти ривожини учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда ва бу ерда глобаллашув даври реалияларига жавоб бера оладиган миллий давлатлар ва олий таълим тизими ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш талаб қилинади<sup>10</sup>.

Бошқа томондан, баъзи бир тадқиқотчилар асосли равишда глобаллашувнинг асосий салбий ижтимоий, ижтимоий-психологик ҳамда маданий оқибати инсоннинг ички дунёси ҳамда ижтимоий алоқа ва коммуникациялар комплексини соддалашиши ва қашшоқлашишига олиб келувчи замонавий жамиятларнинг тобора ошиб бораётган индивидуаллашувидир<sup>11</sup> - деб таъкидлайдилар. Ижтимоий алоқаларнинг сони ошиб бормоқда, уларнинг тузилмаси мураккаблашмоқда, аммо улар тобора расмий ва юзаки бўлиб қолмоқдалар.

Глобаллашув индивидуаллашувнинг бевосита сабаби эмасдир: уни жамиятнинг ижтимоий гуруҳ тузилмаси ҳамда унинг меъёрий кадрят тизимларини тобора ўсиб бораётган ҳаракатчанлиги ва барқарорсизлиги, маданий ўзгаришларнинг тезкорлиги инсонларнинг ижтимоий, касбий, географик мобиллигининг ўсиши меҳнат фаолиятининг янги индивидуаллашган турлари рағбатлантиради. Бироқ глобаллашув бу жараёнга юқори даражада туртки бўлади: индивиднинг аксарият ҳолларда аноним ва тез ўтиб кетадиган функционал ижтимоий алоқаларини ҳажмини кўпайтириб шу орқали у учун барқарор, кадриятли маънавий ва ҳиссий мазмунга тўйинган алоқаларнинг психологик аҳамиятини кучсизлаштиради.

Глобаллашув шарт-шароитида умуман зид бўлган ижтимоий маданий тенденцияларни бир пайтнинг ўзида кучайиши афтидан, тобора ошиб бораётган тартибсизлик, вариативлик, шартланганлик, олдиндан айтиш имконияти бўлмаган индивид ва гуруҳларнинг кадрят, мативацион, ҳулқ афзалликларига олиб келувчи индивидуал танловнинг ўсиб бораётган эркинлигининг

<sup>10</sup> Мельникова Н.И. Состояние и перспективы высшего образования в эпоху глобализации. Саратов, 2003. – С.21.

<sup>11</sup> Дилленгенский Г.Г. Глобализация в человеческом измерении // Глобализация в социально-философском измерении: сб. мат. конф. СПб., 2003. – С.5.

оқибатидир. Постиндустриал жамиятга бўлган йўлдаги инсон муносабатларининг фарқловчи белгилари, уларнинг муваққатлигидир. Кўп тадқиқотчилар урбанистик муносабатларнинг фрагментар тузилмасини таъкидлайдилар<sup>12</sup>.

Турли маданият, миллий умумийлик, тамаддуларга тегишли бўлган инсонлар алоқаларининг кенгайиши ва интенсификациялашуви аксарият ҳолларда бу алоқаларга шахсиз соф функционал характер беради. Коммуникациянинг замонавий воситалари интернет ёки йўлдош телевидениеси кабилар сайёрада яшаётган ҳар қандай бошқа индивид, ўзидан энг йироқда бўлган ижтимоий-маданий муҳит билан индивиднинг кундалик алоқаларини имкониятли қилади. Бу миллий этник ва маданий чегаралар билан бўлинмаган инсон жамиятларини шакллантириш имкониятини беради, мазкур жамиятлар йирик сайёра миқёсидаги мақсад атрофида бирлашиш имкониятига эгадир. Аммо бугунги амалиётда бирдамлик ва ўзаро ҳамдардликнинг у ёки бу даражасини назарда тутган анъанавий гуруҳ алоқаларини аксарият ҳолларда инсонларни ўзаро психологик ўзгариш билан боғлиқ бўлган функционал ахборот алоқалари томонидан сиқиб чиқариши кузатилмоқда<sup>13</sup>.

Ҳозирги пайтда инсоннинг аста-секин қашшоқлашиб бораётган инсон ички дунёси ҳақида гапириш жуда қийин. Бунга замонавий университетларда таълимга вужудга келиб, мавжуд бўлиб мустаҳкамланган функционалистик ёндашув ҳам кўмаклашади. Жамиятда кечиккан ўзгаришларнинг чуқурлиги таълимнинг ўзини тезкор сифатли трансформациясига олиб келди. Университетлар авваламбор, табиий-илмий билимларни улкан даражада ўсиши билан боғлиқ бўлган сабабга кўра талабаларни зўриқтирадilar. Шахсни шаклланишига қаратилган билимлар ортда қолади. Университетларнинг ихтисослашуви шахсни тарбиялаш идеалидан амалда рад этишга олиб келади, бу нарса айнан, жамиятнинг маънавий инқирози шарида кузатилади. Эркин бозор таълимдаги шахс ориентацияси ва унинг ижтимоий барқарорлаштирувчи функцияси ўртасидаги зиддиятларнинг манбасига айланади.

Натижада инсонни бошқа инсонларнинг ички, маънавий ҳаёти билан кесишиш, ундан хабардор бўлиш кичик даражада кизиқтиради, у жамиятда юқориқроқ лавозимни эгаллаган шахслар билан мулоқотда бўлишдан олинishi мумкин бўлган амалий фойдага каттароқ эътибор билан қарайди. Ўз-ўзини ифодалаш муваффақиятга эришишнинг қандайдир алоҳида услубларини ёки ўз имкониятларини намойиш қилишдан иборат бўлади ва бундан зиёд замонавий инсонда кўшимча таъсир ўтказиш имкониятини бермаслик учун бошқа инсонларга ўз дунёсини очиб бериш хоҳиши деярли пайдо бўлмайди. Шунинг учун интересубъект ҳулқининг чегараланганлиги ҳақида гапириш мумкин, унинг мезони ҳақиқатгўйлик, очиқлилик, софликдир. Глобаллашув шароитларига мувофиқ, мутаносиб бўлган таълим замонавий моделини танлаш юқориди айтиб ўтилган ижтимоий муаммоларни ҳал қилмаса ҳам юмшатиши лозим, бундан ташқари шахсни ижтимоий амалиётининг жараёнларини

<sup>12</sup> Тофлер А. Футурошок. СПб., 1997. – С.73-74.

<sup>13</sup> Скородумова О.Б. Интернет и его основные социокультурные функции // философия и общество. 2004. №1 – С.35.

оптималлаштириш, маданиятга мутаносиб таълим ва мустақил таълимнинг ривожланаётган шакллари жорий этиши лозим.

Мазкур контекстда биз В.В.Глебкиннинг фикрини айтиб ўтиш лозим деб топдик. Унинг фикрича, замонавий ижтимоий жараёнлар доирасида нафақат бошқа маданиятга йўл берувчи ва ўзга фикр, мантик, истеҳкомга “чидамлилиқ” билан қараган шахс модели эмас, балки маданиятлар диалоги ғояси негизда ётган “тушунадиган инсон модели” энг конструктивдир<sup>14</sup>. Бу диалогик ўзаро ҳаракатда иштирокчилар ўз шахсий ядросини сақлаб қолганда, ўз контур агентининг экзистенциал тажрибаси билан бойитади ва тўлдиради.

Бундай турдаги инсонни шакллантиришдаги асоси “шахснинг коммуникатив ядросини” улғайишидир, агарда мазкур жараёнлар мобайнида бошқа инсонга олий қадриятга бўлган каби чуқур муносабатга эришилса, бунда шахснинг ўз характери бўйича гуманистик ва бағрикенглик тамойилларига мувофиқ бўлган коммуникатив ядроси шакланганлиги ҳақида гап юритиш мумкин. Коммуникативлик таълимнинг замонавий моделини асосий тавсифларидан биридир. Диалоглик глобаллашув даврида маданиятни мавжудлигининг ўзига хос услубидир. Шунинг учун маданиятга мутаносиб ижтимоий гуманитар таълим моделини яратишда маданиятларнинг диалогик салоҳиятини долзарблаштириш шахсда бағрикенглик хислатларини ва социумда мавжудлиқнинг коммуникатив маданиятини шакллантирилишини нафақат имкониятли қилади, у буларни назарда тутаяди.

Хуллас, глобаллашув жараёнида таълим шахсни ўрталаштиришга эмас, балки, бу жаҳонда ўз миллий анъана ҳамда қадриятларнинг соҳиби ва репрезенти бўлган дунёнинг эркин фуқаросини шакллантиришга қаратилиши лозим. Бунда таълим нафақат шахс ривожининг даражасини, балки бутун жамятни умумийликда, унинг барча ижтимоий институт ва тизимларининг даражасини ҳам белгилаб бериши лозим.

## ЎЗБЕК НИКОҲ МАРОСИМЛАРИНИ “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТАҲДИДЛАРИДАН САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

*Комилов Р.Р. - СамДУ тадқиқотчиси*

XX аср охири ва XXI аср бошларида никоҳ маросимлари таркибида трансформацион жараёнлар юз берган бўлиб, уларнинг ўзгариши аввало маросим таомилига янги урф-одатларни кириб келиши инновацион ҳолатларни келтириб чиқарди. Бу асосан: *биринчидан*, никоҳни асл ахлоқий-эстетик моҳиятининг урф-одатларда ўрни юксаклигини сақлашга интилиш, ўзгаришлардан қочиш маълум бир ижтимоий-сиёсий таъсирлар натижасида ўз ядроси (ўзаги)ни сақлаб қолиш, миллий никоҳ маросимларида анъаналар ва замонавийликни симбиоз ҳолатига тушиши, *иккинчидан*, трансформацион жараёнлар натижасида айрим никоҳ маросимларини эстетик-ташқилий

<sup>14</sup> Глебкин В.В. Мир в зеркале культуры. – М., 2000. – С.12.

**3-ШЎЪБА. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”  
ТАҲДИДЛАРИДАН ҲИМОЯЛАНИШ.**

<i>Куронов М.</i>	Педагогик билимсизлик – болаларимиз бахтига таҳдид	199
<i>Абдураззоқова Х.М., Бекмурзаева З.Ж.</i>	Глобаллашув жараёни ва унинг оилавий кадриятларга таъсири	202
<i>Авлалкулов А., Ҳакимова С.</i>	“Ommaviy madaniyat” – milliy ma’naviyat kushandasi	204
<i>Айтатов А.Қ.</i>	Глобаллашув шароитида табиатга экоэстетик муносабатни шакллантириш масалалари	206
<i>Акбарова С.</i>	Системный анализ значения роли и эпохи Амира Темура и темуридов в истории Республики Узбекистан и мировой истории	208
<i>Алимова Ш.Х.</i>	Глобаллашув шароитида ёшлар дунёкараши хавфсизлигини таъминлаш манбалари	210
<i>Баҳриддинова Д.</i>	Глобаллашув шароитида шахс маънавий таназзули	212
<i>Во’риев М., Мухамеджанова М.</i>	Globalashuv va “ommaviy madaniyat” tahdidlardan himoyalanih	215
<i>Во’риев М., Раҳматуллоев С., Есонов Р.</i>	Siyosiy faollik - davr talabi	218
<i>Ғойибназаров Ш.Ғ.</i>	Ёшларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш	220
<i>Ғайбуллаев О.</i>	Глобаллашув жараёнларининг ёшлар маънавиятига таъсири	224
<i>Исҳоқова З.</i>	Глобаллашувнинг фалсафий таҳлили	226
<i>Ёрқулов Ҳ.О.</i>	Ўзбекистонда миллий интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш имкониятлари	228
<i>Закиров Ш.М.</i>	К вопросу о приоритетных ценностях молодёжи узбекистана в новых социально-политических условиях	230
<i>Zakirov Sh.M., Abdovakilova Z.A.</i>	Globalashuv sharoitida yoshlar ma’naviy olamini “ommaviy madaniyat” tahdidlaridan himoya qilish masalalari	232
<i>Zakirov Sh.M., O’razboyeva Sh.N.</i>	“Ommaviy madaniyat” tahdidlarining yoshlar ma’naviyatiga ta’siri	234
<i>Қалқонов Э.Т.</i>	Глобаллашув шароитида ахборотлашган жамиятнинг инсон ва шахс ривожланишига таъсири	236
<i>Қандов Б.М.</i>	Глобаллашув жараёнида таълим	239